ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАЗМУНИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ ВА АМАЛИЙЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Каримов Бахромали Тожиматович
ТошДТУ “ЕУТТ” кафедраси катта ўқитувчиси п.ф.ф.д., (PhD)

“Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [1;1-том, 124-бет]. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ–фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса–тараққиётнинг кафолатидир!” [2; 86-б]. “Айнан таълим ва маърифат – башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди” [3; 28-б].

Олий мактаб педагогикаси – олий таълим муассасалари, талабаларининг таълим ва тарбия масалалари билан шуғилланади [5; 14-б]. Педагогика мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида иккита мақомнинг бирлигида намоён бўлади —таълим ва тарбиянинг илми ва амалиёти сифатида [6; 193-б;].

Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия жараёнларининг уйғунлиги ва амалийлашуви бир неча жиҳатда ифодаланади.

1. Бу икки жараён бир таълим жараёнининг такомиллашуви натижасида юзага келади ва таълим муассасаси (болалар боғчаси, мактаб, гимназия, коллеж, касб – ҳунар мактаби, университет, қўшимча таълим муассасаси ва бошқалар) доирасида ўқитувчи ва ўқувчи томонидан амалга оширилади ҳамда умумий мақсадга эришишга - жамият ҳаётида фаол шахсни тайёрлашга қаратилган.

2. Тарбия ҳар доим таълим элементларини ўз ичига олади, чунки ўқитувчи шахс хатти-ҳаракатларнинг меъёрлари ва қоидалари (ахлоқий тарбия), инсон маданиятининг ютуқлари (эстетик таълим), касбий фаолиятнинг хилма-хиллиги (меҳнат таълими) ва бошқалар ҳақида билим бериб, муайян ҳаёт шароитларида хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, билан бир вақтнинг ўзида шахсни ўқитади ва тарбиялайди.

3. Илмий билимларни ўзлаштиришга қаратилган ўқув жараёни ҳар доим ўқув материалининг мазмуни, уни етказиш усули, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги педагогик ҳамкорлик табиати орқали амалга ошириладиган тарбиявий жихатга эга (таълимнинг ҳар қандай шакли доирасида тарбия мақсади режалаштирилади).

Таълимнинг мақсади-бу ўқув-тарбиявий жараёнининг мақсадли натижаси бўлиб, унга эришиш учун ўқитувчилар каби, талабалар ҳам интилади. [7; 9-б]. Таълим - бу илмий маълумотларни, билим ва кўникмаларни, ижтимоий ва касбий тажрибаларни авлоддан-авлодга узатиш ва ўзлаштириш, шахсни, унинг дунёқараши ва турли хислатларини шакллантиришнинг ноёб механизмидир. [8; 5-б].

Шунинг учун олий таълим тизими, замонавий ишлаб чиқариш, фан ва техника, халқаро стандартлар, юқори касбий тайёргарлик, ғоявий- сиёсий етук мутахассисларга бўлган миллий талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Ёш авлод, ишлаб чиқариш тармоқларининг бўлажак ишчиларидан кенг техник дунёқарашга эга бўлишлари, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш шароитида мураккаб саноат ва техник муаммоларни ижодий ва онгли равишда ҳал эта оладиган, замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар кенг қўлланадиган, роботлаштирилган ускуналар ва компютерлардан оқилона фойдаланиш компетенцияларига эга бўлишлари талаб этилади.

Шунинг учун юқори компетенцияга эга бўлган мутахассис кадрларни тарбиялаш таълим муассасаларининг бугунги кундаги долзарб масаласидир.

Тарбия - ўзини тутиш учун қарашлар ва кўникмаларни шакллантириш, ривожланиш - мустақил билим олиш ва кўникмаларга эга бўлиш, ижодий фаолиятни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришдир [9; 20-б;].

Таълимнинг мақсади таълим мазмунини ва методини белгилаб беради [10; 47-б]. Шунинг учун бугунги кунда хукуматимиз таълим сохасида олиб бораётган сиёсат, мутахассисларига қўйилаётган талаблар, олий таълим мазмуни ва методикасини такомиллаштиришни талаб этади.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да халқаро тажрибалардан келиб чиқиб олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш [4] таъкидланган.

Шундай экан, бизнинг фикримизча хозирги кунда таълим ва тарбия жараёни мазмунини уйғунлаштириш ва амалийлаштириш методикасини ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши замон талаби:

– амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини мазмун жиҳатидан битирувчиларда касбий компетенциялар шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтириш;

– таълим ва тарбияда ҳар бир ўқув адабиётининг аниқ вазифасини белгилаш ва бу вазифани амалга ошириш қонуниятларни ҳисобга олиш;

– таълим мазмунини уйғунлаштириш ва амалийлаштириш йўли билан талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенцияларини шакллантириш;

– ўқув адабиётининг таълим ва тарбия жараёнида белгиланган аниқ вазифасидан келиб чиқиб, мазмуни уйғунлашган ва амалийлашган замонавий ўқув адабиётларини яратиш ва сифатини яхшилаш;

– таълим ва тарбия мазмунини уйғунлаштириш ва амалийлаштириш орқали унинг инсонпарварлиги ва демократиясини, ҳамда талабаининг субъективлигини таъминлаш;

– фанлар, назария ва амалиёт интеграцияси орқали мазмун уйғунлиги ва амалийлашувини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш;

– таълим ва тарбиянинг иннавацион тушунчалари ва усулларидан самарали фойдаланиш ҳамда маънавий баркамол шахсни шакиллантириш учун зарур шарт шароит яратиш ва педагогик жараённи техник қайта жиҳозлаш.

Таълим ва тарбиянинг ушбу таклиф этилаётган йўналишлар бўйича олиб борилиши, талабаларнинг ижодий қобилияти ва лойиҳалаш, конструкциялаш ва уларни бажарилишида жавобгарликни ҳис этиши, кутилмаган вазиятда ҳаракатчан бўлиши ва кутилган натижага олиб келувчи оқилона қарорлар қабул қилишини, умуман олганда илмий дунёқараши ривожланишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari. Nashrga tayyorlovchilar: O Salimov, Q. Qurbonboev, M. Bekmurodov, L. Tangriev. –Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi. 2019 – 156 b.

2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ 2019. – 400 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМУИ 2017. – 592 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини

2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. –Т.: Халқ сўзи газетаси, 2019 йил 9 октябрь, №209(7439) 1б.

5. Остапенко, И.А. Педагогика высшей школы: учебное пособие /И.А. Остапенко, М.Н. Крылова. – Зерноград: Азово-Черноморский инженерный институт ФГБОУ ВО Донской ГАУ, 2017. – 177 с.

6. Ефремов О**.** Ю**.** Педагогика: Краткий курс. — СПб.: Питер, 2009. — 256 с.: ил. — (Серия «Краткий курс»).

7. Фугелова Т. А. Педагогика высшей школы: учебное пособие / Т. А. Фугелова. – Тюмень: ТюмГНГУ, 2014. – 136 с.

8. И.Ф. Харламов Пионова Р.С. Педагогика высшей школы: Учеб. пособие / Р.С.Пионова. - Мн.: Университетское, 2002. - 256 с.

9. Московкин Л. В. Дидактические основы теории методов обучения неродному языку/Л. В. Московкин – «Санкт-Петербургский государственный университет», 2021. – 36 с.

10. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси: Дарслик-Т.: Ўқитувчи, 1997.-232 б.